



IPHR International
Partnership
for Human Rights

"Open Line" кўнгиллилар гуруҳи

Ўзбекистон: Бола ҳуқуқлари қўмитасига ННТнинг қўшма тақдимномаси

2022 йил 26 август



КИН-21 қамоқхона колонияси муаллифлик ҳуқуқи: АНРСА ва IPHR

Ушбу ҳисобот Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик ташкилоти (IPHR) кўмагида "Open Line" кўнгиллилар гуруҳи ва Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари уйи ҳамда муҳожирликда жойлашган Марказий Осиёда Инсон ҳуқуқлари уюшмаси (АНРСА) томонидан тайёрланган.



Ушбу ҳужжат Европа Иттифоқининг молиявий кўмагида тайёрланган. Унинг мазмуни фақат уни ишлаб чиққан ННТлар зиммасида ва ҳеч қандай тарзда Европа Иттифоқи нуқтаи назарини акс эттира олмайди.

1. Сурхондарё вилоятининг ифлосланган ҳудудларида чақалоқлар ўлими сонининг юқорилиги

Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида ёмон экологик шароит инсон саломатлиги учун юқори хавф туғдиради ва умр кўриш давомийлигига таъсир қилади.

Тожикистон алюминий заводи (ТАЗ) Ўзбекистоннинг жанубидаги Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Денов ва Жарқўрғон туманларига қўшни бўлган ҳудудларга экологик зарар етказмоқда. Фтор водородининг атмосферадаги ўртача йиллик концентрацияси Ўзбекистондаги максимал рухсат этилган концентрациядан (бундан кейин МРЭК) ошиб кетади. Бир неча йиллардан буён бу жойларда ҳомила гўдақларини йўқотиш ва оналар ўлими кўрсаткичлари минтақанинг қолган қисмига қараганда анча юқори. Сўнгги йилларда ўлик бола туғиш даражаси минтақанинг қолган қисмига қараганда 2-5 баравар ва неонатал ўлим даражаси 1,5-3 баравар юқори бўлиб, бу алюминий эритиш чиқиндилари билан ифлосланиш ва аҳоли саломатлиги ўртасидаги боғлиқликдан далолат беради. Бундан ташқари, Сурхондарё вилоятининг ифлосланган ҳудудларида чала бола ташлаш (выкидыш) ҳолатлари (1000 чақалоққа 14-16 ҳолат, қолган ҳудудларда эса 1000 чақалоққа 9); тиббий сабабларга кўра абортлар сони, асосан хомилалик патология туфайли (1000 тага 4-8, 2 тага нисбатан); эрта туғилиш (1000 кишига 21-34, 15 тага нисбатан); ва вазни кам бўлган чақалоқлар туғилиши (1000 та туғилишга 35-45, 26 га нисбатан) кўпроқ содир бўлган. Ҳомиладорлик 2-3 баравар кўпроқ қалқонсимон без касалликлари, генитоурия тизими касалликлари, шунингдек, анемия, шиш, протеинурия, гипертония ва бошқа касалликлар билан кечади.

Расмийлар сўнгги йигирма йил давомида чақалоқлар ўлими билан боғлиқ бўлган фторид водородининг ўртача ойлик миқдорини сир тутиб келмоқда. Жабрланувчилар маълумотни ошкор қилмаслик тўғрисидаги битимларни имзолашлари сўралганлиги ҳақида хабар беришади. Мамлакатнинг ушбу ҳудудида оналик ва болаликни муҳофаза қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ниҳоятда заиф.

2. 21-сонли (КИН-21) қамоқхона колониясида маҳқум аёлларнинг туғилган болалари

Ҳисоботнинг ушбу бўлими Open Line ва AHRCA томонидан 2022-йил ёзида маҳбуслар, ҳуқуқ ҳимоячилари, адвокатлар ва икки шифокордан иборат, жаъми 20 киши билан ўтказилган мониторинг ва суҳбатларга асосланган.

2.1 КИН-21даги маҳқум аёллар

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги КИН-21 ахлоқ тузатиш колониясида жиноят содир этганлиги учун жазони ўтаётган 14 ёшдан ошган аёллар ва қизлар сақланмоқда. Ушбу мониторинг учун суҳбатлашган баъзи маҳқумларнинг ёши 70 дан ошган.¹ Қамоқхона шароитлари жуда ёмон ва Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган нормаларга жавоб бермайди.

¹ Ўзбекистон Жиноят кодексига кўра, қамоқ жазоси олти ойдан 20 йилгача давом этиши мумкин. Оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдиришда ва терроризмда айбдор деб топилган шахслар 20 йилдан 25 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Аёллар ва болалар узоқроқ муддатга озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Ушбу муассасада сақланаётган маҳкумлар сони амнистия актларига қараб фарқ қилади. 2021-йил декабр ойида ҳибсда 350 нафар аёл ва 26 нафар уч ёшгача бўлган болалар бор эди. 2022 йил май ойига келиб, бу рақамлар 700 дан 1000 гача аёллар ва 35 болаларни ташкил қилди.² Бу қамоқхонада 3500 га яқин маҳбус ва уч ёшгача бўлган 70 дан ортиқ болалар сақланган 2001 йилга нисбатан сезиларли пасайиш бўлиб, одамларнинг ҳаддан ташқари кўплиги сабабли, гувоҳларнинг айтишича, маҳбуслар навбатма-навбат полда ёки чодирларда ухлашган экан.³

2.2. КИН-21 ва КИН-42 колонияларидаги ҳомиладор маҳкумлар

Бизнинг мониторинг маълумотларимизга кўра, КИН-21 да ҳар йили бешдан йигирма нафаргача ҳомиладор маҳкумлар сақланади. Улар жазони бошқа маҳкумлар билан бир хил шароитда ўтайдилар.

КИН-21 даги ҳомиладор аёллар хавф остида. Open Line ва АНРСА билан суҳбатлашган собиқ маҳбуслар ҳомиладор аёллар бошқа маҳбуслар билан бир хил ишларни бажаришлари шарт ва улар текширувдан озод этилмагани ҳақида хабар беришди.⁴ Улар асосий эҳтиёжлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун туғруқга қадар ишлашга мажбурдир.

Маҳкум аёллар одатда КИН-21дан 10 километр узоқликдаги 16-сонли Калинин туман касалхонасида туғадилар. Ишончли маълумотларга кўра, тез ёрдам машиналари ҳар доим ҳам ўз вақтида етиб келмайди, шунинг учун ҳам ҳомиладор аёлларни баъзида бошқа маҳбус аёллар туғдириб олишларига тўғри келади. Аёллар антисанитария шароитида туғишлари ва зарур гигиеник воситалар учун пул тўлашлари кераклигини айтишади.

КИН-21 ва КИН-42 колонияларининг қамоқхоналар маъмурияти ҳомиладор маҳкумларни ҳомиладорликнинг дастлабки 12 ҳафтасида Калинин туман касалхонасининг пренатал клиникасида рўйхатга олишига тўсқинлик қилади. Бизнинг мониторингимиз шуни кўрсатдики, қамоқхоналарда ултратовуш текшируви ўтказилади, аммо ҳомила аномалиялари мавжудлиги аниқловчи алфа-фетопротеин ҳар доим ҳам текширилмайди ва бошқа тестлар ўтказилмайди. Бу ўз навбатида, туғруқ пайтида ва туғруқдан кейинги даврда асоратлар хавфи ортиши мумкинлигини англатади.

Маҳкум аёлларнинг айтишича, Калинин туман касалхонасига ҳомиладорликнинг дастлабки 12 ҳафтасида хабар бермаслик сабаби, бу даврда қамоқхона ходимларининг ҳомиладорликни тўхтатиш учун маҳкумларга босим ўтказиши ва қамоқхона ходимларининг ҳомиладор маҳкумларга нисбатан оғир ишларни бажариш талаби ҳомиладорликнинг ушбу ва кейинги босқичларида тушиш эҳтимолини оширишидадир. Хабар қилинишича, бундай ҳолатлар одатда қамоқхона ходимлари томонидан яширилади.

Оналарга янги туғилган чақалоқлари билан туғилгандан кейин 20 кун давомида қамоқхонанинг яқинида жойлашган Она ва бола уйида (ОБУ) бўлишга рухсат берилади. Бу бинода улар карантин хонаси деб номланувчи алоҳида хонада сақланадилар.

² Бу маълумотлар тергов остидаги аёллар сонини ўз ичига олмайди.

³ 2017-йилда афв этиш бошланганида маҳкум аёллар сони 1200 нафарни ташкил қилган. 2019 йилда 1200 киши қайд этилган.

⁴ Ҳар куни маҳкумлар кунига уч марта сафга чақирув оладилар, жараён 40 дақиқа давом этади ва маҳкумлар об-ҳаво шароитидан қатъий назар сафда туришлари керак бўладилар.

Кўпгина янги оналар эмизиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келишади ва шу сабабли кўпчилги чақалоқларни сунний овқатлантиришга мажбур бўлишади. Тиббий мутахассис ҳар куни янги туғилган чақалоқларни текширади, гарчи у ҳар доим ҳам малакали педиатр бўлмаса ҳам, фелдшер, ОИВ инфекциясини даволашга ихтисослашган шифокорлар ёки бошқа навбатчи шифокор бўлиши мумкин. Сухбатга олинган маҳкумларнинг ҳеч бири неонатологнинг қамоқхонага ташриф буюргани ҳақида хабар бермади.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида фарзанд кўрган аёлларнинг Open Line га айтишича, колония ходимларининг муносабати стресс ҳолатларига сабаб бўлмоқда. Мисол учун, оналарга туғиш пайтида бола уларники эмас, балки давлатга тегишли эканлигини айтишган.

Ҳибсдаги она бошқалар унинг фарзандига қандай муносабатда бўлишига таъсир қила олмайди ёки боласини бошқалар таъсиридан ҳимоя қила олмайди ҳам. Қамоқхона ходимлари овқатланиш, даволаниш, болаларга таълим бериш ва боланинг онаси билан қанча соат ўтказиши ҳақида қарорларни ўзлари қабул қиладилар. Ҳибсдаги янги она бўлган аёллар, одатда, бола касал бўлса ҳам, кунига бир соатгина болаларини кўришлари мумкин. Истисно ҳолларда онага оғир касал болага ғамхўрлик қилишга рухсат берилади. Аёл маҳкумлар болаларни қамоқхона ходимлари томонидан калтаклаш ҳолатлари тез-тез учраб туришини ва болаларининг баданларида кўкаришлар кўрганликларини айтишган. Қамоқхонадаги кўп болалар уч ёшга тўлгунга қадар гапирмайди. Аёллар одатда шикоят қилишдан кўрқийди, чунки уларни жазоловчи ҳибсга олиш ва қамоқ муддатини узайтириш, шунингдек, улар ҳақидаги қораловчи маълумотларни оилалари билан баҳам кўриш таҳдиди билан кўрқитишади.

2.3. КИН-21да яшовчи болалар учун шароитлар

КИН-21 колониясида ҳар йили 30 нафаргача бола туғилади. Дастлабки 20 кунни “Она ва бола” уйининг карантин хонасида ўтказгандан сўнг, улар Она ва бола уйининг бошқа қисмларига ўтказилади. Уй кондиционер ва вентиляция билан жиҳозланган. Болалар учта ёш гуруҳларига бўлинган: 6 ойгача; 6 ойдан 18 ойгача; 18 ойдан 36 ойгача. Агар бола уч ёшга тўлган бўлса ва онаси озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташни давом эттирса, бола қариндошлари қарамоғига ёки болалар уйига ўтказилади.

2021-йилдан бошлаб оналарга янги туғилган чақалоқлари билан 20 кунгача, баъзан эса 40 кунгача қолишга рухсат берилади. 2021 йилгача оналарга фақат ўз фарзандларини она сути билан боқишларига рухсат берилган. Агар онани қамоқхонадаги ишдан озод қилиш мумкин бўлмаса, қамоқхона ходимлари болани сунний сут билан озиқлантирадилар. Дока, таглик ва совун етарли эмас. Гигиена меъёрлари бузилган ҳолда бир нечта одам битта шимгични ишлатиши мумкин. Маълум қилинишича, чақалоқларга кийим-кечак ва тагликлар фақат назорат делегацияси колонияга келганида берилади.

Маълумотларга кўра, Она ва бола уйидаги болаларга берилдиган овқат сифатсиз. Она ва бола уйи ўйин хонаси билан жиҳозланган, бироқ маҳкумларнинг таъкидлашича, “ўйинчоқлар синиб қолмаслиги” мақсадида у ерда болаларга кўпинча ўйнашга рухсат берилмайди.

Собиқ маҳкумларнинг кўрсатмаларига кўра, дори-дармонларни болаларга одатда қамоқхонадан ташқаридаги қариндошлари етказиб беришади, лекин ҳамма ҳам

қариндошларидан ёрдам сўрашга имкони йўқ. Баъзида дори-дармонлар қамоқхона маъмурияти томонидан бепул берилади. Дори-дармонлар етарли бўлмаса, уни Жазони ижро этиш бош бошқармасидан сўрашга тўғри келади, яъни баъзида болалар уни олиш учун бир неча ой кутишлари керак бўлади.

2009 йилдан 2015 йилгача маҳкумларнинг уч ёшдан ошган болалари қариндошлари уларга ғамхўрлик қилмаган тақдирда, Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри Зангиота туманида жойлашган болалар уйига кўчирилган ва бу ерда ОИВ билан касалланган одамларнинг болалари ҳам турар эди. 2015 йилдан бери улар оналарининг яшаш жойидаги болалар уйларига, гарчи бу қамоқхонадан минглаб километр узоқликда бўлса ҳам, жўнатилган. Шундай қилиб, кўплаб маҳбус аёллар озод қилинмагунча ўз фарзандларини кўра олмайдилар ва озодликдан махрум бўлган пайтларида кўпинча фарзандлари ҳақида кўп маълумотга эга бўлмайдилар. Қамоқхонадаги аёлларнинг фарзандлари хавфсизлиги ва фаровонлиги ҳақидаги хавотирлари асоссиз эмас.

АНРСА болалар уйида яшовчи болакай Санжар Харченконинг тиббий маълумотларини билан танишиб чиқди ва ушбу хужжатда Санжарнинг КИН-21да қамоқ муддатини ўтаётган онаси - Олга Харченко фарзандидан воз кечмаганига қарамай, уни асраб олишга яроқли эканлиги кўрсатилган. 2017 йил давомида Олга мунтазам равишда боласи ҳақида билиш учун болалар уйига хат ёзган, аммо болалар уйи қамоқдаги оналарнинг хатларига жавоб бермади. Харченко Бола ҳуқуқлари бўйича Омбудсман идорасига мурожаат қилди, аммо жавоб олмади. Тиббий маълумотларда, шунингдек, Санжар кўтир билан касаллангани ва болалар уйидаги бошқа бола бошига ургани ҳам кўрсатилган. Ўша пайтда болалар уйи Олга Харченко ва боланинг бувисига бу ҳақида хабар бермаган.

2.4. Оналари қамоқхонада бўлган болаларга ташриф буюриш ҳуқуқи

Эндиликда она ва бола уйида яшамаган, балки қариндошлари ёки болалар уйида бўлган фарзандлари билан учрашувлар ушбу тадқиқот учун суҳбатлашган маҳкум аёллар учун ҳиссий мавзудир. Уларнинг фикрича, бундай учрашувларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жуда кам. Маҳкум аёллар барча харажатларни қоплашлари керак, болалар уйлари эса кўпинча бундай учрашувларнинг олдини олишга ҳаракат қилишади. Психологлар кўпинча болалар айрилиқ пайтида стресс ва ҳиссий оғриқлардан ҳоли бўлишлари учун оналарини кўрмасликни тавсия қиладилар.

Шу сабабларга кўра, маҳкум аёлларнинг аксарият фарзандлари оналарини йилига бир марта кўришади, гарчи қонунда йилига тўрт марта учрашиш назарда тутилган бўлсада. Бундан ташқари, қамоқдаги онага фарзандига ҳар ярим ойда бир марта кўнғироқ қилиш мумкин, лекин амалда бу ҳуқуқ чекланган, чунки қамоқхона ходимлари ҳар доим ҳам телефон кўнғироғи учун сўров ва дақиқасига 1200 сўмдан⁵ (тахминан 0,10 АҚШ доллари) беш дақиқа давом этадиган кўнғироқ учун бухгалтерия бўлиmidан маълумотнома тақдим этишни талаб қиладиган бундай кўнғироқларни ташкил этишга улгурмайди, чунки маҳбуслар кўнғироқлар учун ўзлари тўлайдилар. Болалар уйига кўнғироқ қилиш учун ҳар бир ариза қамоқхона бошлиғи, бухгалтерия бўлими, ўқув бўлими, операцион бўлим ва КИН-21 қамоқхона директори томонидан тасдиқланиши керак. Муассаса раҳбари имзолагандан

⁵ Қамоққа олинган аёлнинг маоши 500 000 со'мгача (46 АҚШ доллари)

сўнг ариза ўқув бўлимига ўтказилади, у ерда ойлик қўнғироқлар жадвали тузилади. Она ва бола ўртасида телефон қўнғироғини ташкил қилишнинг бутун жараёни ариза берилган кундан бошлаб бир ой давом этади. 2020-йилдан бошлаб болалар уйда мобил рақамларга қўнғироқ қилиш мумкин, лекин компьютерлар мавжуд бўлишига қарамай, видеоқўнғироқлар ҳали жорий этилмаган.

2.5 КИН-21 қамоқхона колониясида эмлаш

Қамоқхонада туғилган чақалоқ биринчи бўлиб касалхонада эмланади, полиомиелитга қарши эмлаш бола икки ойлигида қилинади. Болани эмлаш ёки эмламаслик борасида оналар билан маслаҳатлашилмайди.

3. 42-сонли (КИН-42) колониядаги маҳқум аёлларнинг болалари

42-сонли манзил-колония ҳам Зангиота тумани, Ишонгузар қишлоғида, КИН-21 колониясидан бир километр узоқликда жойлашган. 42-сонли колонияда ҳозирда 1500 дан ортиқ маҳқумлар, жумладан 300 дан ортиқ аёллар истиқомат қилади.

Манзил-колонияда маҳқумлар ўзларини таъминлаш учун ишлашлари шарт; яъни улар касал бўлса ёки аёл ҳомиладор бўлса ҳам, овқатланиш учун пул тўлашга мажбурдирлар. Ушбу колонияда қамоқда сақлаш тартиби унчалик қаттиқ эмас. Масалан, маҳқумларга мобил телефонга эга бўлиш ва яқинлари билан тез-тез учрашиш имкони берилади.

Айни пайтда колонияда тўққиз нафар ҳомиладор аёл ва уч ёшгача бўлган тўрт нафар бола истиқомат қилади. 42-колониядаги маҳқумлар нодавлат нотижорат ташкилоти кузатувчиларига қамоқхона ходимлари ҳомиладор аёлларни шифокорга кўрсатишга рухсат бермаётганини айтишди.

Ушбу колонияда сақланаётган маҳқумлар Калинин туманидаги 16-сонли касалхонада фарзанд кўришади, улар дори-дармонлар ва гигиена воситалари учун пул тўлашлари керак, уларнинг нархи эса 2 миллион сўмни (183 АҚШ долларини) ташкил этиши мумкин.

Ҳатто янги туғилган чақалоқлар учун ҳам тиббий ёрдам олиш имконияти чекланган. Собиқ маҳбус Стелла Аганованинг сўзларига кўра, чақалоқлар аллақачон икки ойлик бўлганида шифокор кўригидан ўтказилади ва агар она эмлаш учун пул тўлашга рози бўлмаса, чақалоқлар эмланмайди. Оналар ўз фарзандлари учун дори-дармонларни сотиб олишлари керак, гарчи қамоқхона колонияси баъзида маълумотларга кўра, эскирган дори-дармонлар билан таъминлайди.

Оналарга назоратчининг рухсатисиз касал болага тез ёрдам чақиришга рухсат берилмайди. Хабарларга кўра, оналар фарзандини шифокорга кўрсатиш учун, ҳатто фавқулдда ҳолатларда ҳам, икки кун олдин колония бошлиғига ёзма ариза ёзиши керак. Хабарларга кўра, болалар ўлими тергов қилинмайди. 2019-йилда КИН-42 да онанинг тиббий ёрдам сўраб мурожаатлари инобатга олинмагани учун беш ойлик бола вафот этгани хабар қилинган эди.

Болалари бор маҳқумлар, ҳатто бола ухлаб ётган ёки касал бўлса ҳам, кунига бир неча марта чақирувга боришлари керак. Маҳқум аёллар исталган вақтда тинтув қилинишлари мумкин,

назоратчилар ҳар доим ҳам, ҳатто эмизикли аёлларни тинтув қилганда ҳам қўлқоп кийишмайди. Хабар қилинишича, қамоқхона ходимлари чақалоқларнинг гигиена воситалари, сунний сутлари, кийимлари, сўрғичлари ва бутилкаларини ифлос қўллар билан текширадilar.

Қотилликда айбланиб, 10 йиллик қамоқ жазосини ўтаётган маҳбус Малика Собирова айна пайтда жуда оғир шароитларда сақланмоқда. У уч фарзанднинг онаси бўлиб, улардан иккитасини ҳибсда дунёга келтирган. Унинг ёнида тўрт ойлик қизи бор, бироқ унга боласини боқиши учун ҳеч қандай моддий ёрдам кўрсатилмаган.

Маҳбуслар Open Line ва АНРСАга, улар одатда репрессиялардан кўрқиб шикоят қилмасликларини ва шикоятлари холис кўриб чиқилишига ишонмасликларини айтишди.

Тавсиялар:

3-модда. Боланинг энг яхши манфаатларига бўлган ҳуқуқ

Бош Ассамблеянинг резолюциясида эътироф этилганидек,⁶ *“Боланинг ягона ёки асосий васийси эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ёки жазо тайинлаш натижасида озодликдан маҳрум этилиши мумкин бўлган тақдирда, қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси ва жазо чоралари иложи борича, боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тегишли ҳолларда қўлланилиши керак. Қамоқхонада туғилган ва ота-онаси билан қамоқда яшовчи болаларни олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишда давлатлар боланинг энг яхши манфаатларини ҳисобга олишлари керак. Бундай болаларни ажратиш, кўриб чиқиладиган бошқа ҳолатлар билан бир хил тарзда кўриб чиқилиши керак. Ота-оналари билан қамоқда қолаётган болалар тегишли парвариш ва ҳимоядан баҳраманд бўлишлари, шу билан бирга ўзларининг эркин шахс сифатидаги мақомини ва жамиятдаги фаолиятга киришларини кафолатлаш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириш керак”.*

1 - тавсия:

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонга қуйидагиларни тавсия қиламиз:

Ота ёки онаси (ота-оналари) озодликдан маҳрум этилган боланинг энг яхши манфаатлари доимо эътиборга олинишини ва бундай болаларнинг тегишли ғамхўрлик ва ҳимоядан фойдаланишини таъминлаш.

6-модда. Яшаш ҳуқуқи

Конвенциянинг 6-моддасига кўра, ҳар бир бола яшаш ҳуқуқига эга ва иштирокчи-давлатлар боланинг омон қолиши ва ривожланишини максимал даражада таъминлайдилар. Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида бўлгани каби, инсон саломатлиги учун юқори хавф туғдирувчи ва умр кўриш давомийлигига таъсир қилувчи экологик шароитлар кўп йиллар давомида сақланиб келмоқда.

⁶ Бош Ассамблеянинг Болаларга муқобил парвариш бўйича кўрсатмалар тўғрисидаги қарори, A/RES/64/142, 2010 йил 24 феврал, қуйидаги манзилда мавжуд: <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N09/470/35/PDF/N0947035.pdf?OpenElement>

2 - тавсия:

Ўзбекистонга тавсияларимиз:

Ҳар бир боланинг омон қолиши, ўсиши ва ҳар бир боланинг тўлиқ потенциалини ривожланиши учун имкониятларга эга бўлган қулай муҳитни таъминлаш учун тегишли чораларни кўриш. Тожикистон ҳукумати билан биргаликда;

Тожикистон алюминий заводи (ТАЗ) дан атмосферага ташлашга рухсат этилган эмиссиянинг тавсия этилган даражаларини қайта кўриб чиқиш ва Сурхондарё вилоятининг айрим ҳудудларида фторид водород концентрациясининг рухсат этилган максимал концентрациядан ошмаслигини таъминлаш бўйича зудлик билан чоралар кўриш учун Тожикистон-Ўзбекистон эксперт гуруҳини тузиш ва атроф-муҳитнинг ифлосланишини бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

7-модда. Ҳужжатга эга бўлиш ва ғамхўрлик қилиниш ҳуқуқи

7-моддага кўра, ҳар бир бола шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши ва ҳар қандай *"бола туғилгандан кейин дарҳол рўйхатга олинishi ва туғилган кундан бошлаб исмга, фуқароликка эга бўлиш ҳуқуқига ва имкон қадар, ота-онасини билиш ва ота-онаси томонидан ғамхўрлик қилиниш ҳуқуқига эга бўлиши керак"*.

3 - тавсия:

Ўзбекистонга тавсияларимиз:

Қамоқхонада туғилган ҳар бир боланинг рўйхатга олиншини ва қамоққа олинган ота-оналарга ўз фарзандларига ғамхўрлик қилишлари учун тегишли ва етарли шароитлар яратилишини таъминлаш.

9-модда. Ота-оналар билан бевосита аълоқада бўлиш ҳуқуқи

9-моддага мувофиқ *"Иштирокчи-давлатлар боланинг ота-онасидан уларнинг иродасига қарши ажралмаслигини таъминлашади [...] Иштирокчи-давлатлар ота-оналардан биридан ёки иккаласидан ажралган боланинг ҳар иккала ота-она билан доимий равишда шахсий муносабатлар ва бевосита алоқада бўлиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар ва боланинг манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустасно"*.

4 - тавсия:

Бунда, биз Ўзбекистонга қуйидагиларни тавсия қиламиз:

Қамоққа олинган ҳар бир ота-она ва бола мунтазам учрашувлар ўтказиш, учрашувга рухсат олиш учун зарур бўлган маъмурий тартиб-қоидаларни соддалаштириш ва онлайн учрашувларни осонлаштирадиган замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш орқали оилавий муносабатларни сақлаб қолиш имкониятига эга

бўлишини таъминлаш. Ўзбекистон ҳибсга олинган ота-оналар ва уларнинг фарзандлари ўртасидаги учрашувлар хавфсиз ва ташриф буюришнинг ижобий таърибаси учун қулай муҳитда ўтказилишини таъминлаши керак.⁷

19-модда. Зўравонликдан озод бўлиш ҳуқуқи

Конвенциянинг 19-моддасига мувофиқ *“Иштирокчи давлатлар болани жисмоний ёки руҳий зўравонлик, жароҳат ёки ҳақорат, бепарволик ёки бепарво муносабат, ёмон муомала ёки эксплуатация, шу жумладан жинсий зўравонликдан ҳимоя қилиш учун барча тегишли қонунчилик, маъмурий, ижтимоий ва таълим чораларини кўрадилар, ота-она(лар), қонуний васий(лар)и ёки бола қарамоғида бўлган бошқа шахснинг қарамоғида бўлганида”.*

5 - тавсия:

Бунда, биз Ўзбекистонга қуйидагиларни тавсия қиламиз:

Болаларга нисбатан зўравонликни тугатиш учун барча зарур чоралар кўрилишини таъминлаш. Ўзбекистон давлат муассасаларида зўравонликка чек қўйиш, зўравонлик ва шафқатсиз муносабат айбдорларини жавобгарликка тортилишини таъминлаш бўйича профилактика чора-тадбирларини аниқса кучайтириши ва кенгайтириши керак.

21-модда. Фарзандликка олиш ҳуқуқи

Конвенциянинг 21-моддасига кўра, *“Фарзандликка олиш тизимини тан олган ва/ёки рухсат берувчи иштирокчи-давлатлар боланинг энг яхши манфаатлари биринчи ўринда туришини таъминлайдилар”* ва *“фарзандликка олиш - боланинг ота-оналари, қариндошлари ва қонуний вакилларига нисбатан мавқеини ҳисобга олган ҳолда ва агар керак бўлса, манфаатдор шахслар зарур бўлган маслаҳатлар асосида фарзандликка олишга розилик берганликларини ҳисобга олган ҳолда жоиздир”.*

6 - тавсия:

Бу борада Ўзбекистонга қуйидагиларни тавсия қиламиз:

Қамоқда туғилган болаларнинг барча ҳолатларида болани оиладан ташқарида асраб олишдан олдин уларнинг ота-оналари ва қонуний вакилларининг тўлиқ розилиги босимсиз ва мажбурловсиз олинишини таъминлаш.

24-модда. Соғлиқ ҳуқуқи

24-модда боланинг соғлиғининг энг юқори даражасидан фойдаланиш ва касалликларни даволаш ва соғлиғини тиклаш учун воситалардан фойдаланиш ҳуқуқини тан олади. Давлат ушбу ҳуқуқларни таъминлаш учун тегишли чораларни кўриши шарт, шу жумладан:

⁷ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳкум аёлларга нисбатан муомала қоидалари ва жиноятчи аёлларга нисбатан қамоққа олишдан ташқари чоралар (Бангкок қоидалари), 28-қоида

“(a) Гўдаклар ва болалар ўлимини камайтириш;
(b) Бирламчи тиббий-санитария ёрдамни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда барча болаларга зарур тиббий ёрдам ва соғлиқни сақлаш хизмати кўрсатилишини таъминлаш;
(c) Касаллик билан курашиш ва етарли озуқавий моддаларга тўла бўлган озиқ-овқат билан овқатланиш, шу жумладан бирламчи тиббий-санитария ёрдами соҳасида, хусусан, қулай фойдаланиш мумкин бўлган технологияларни қўллаш ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши хавф ва хатариини ҳисобга олган ҳолда етарли даражада тўйимли озиқ-овқат ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш;
(d) Оналар учун туғруқдан олдин ва туғруқдан кейинги даврда тегишли тиббий ёрдамни таъминлаш;”

Қўмита томонидан эътироф этилганидек, “Болалар ўлими, касалланиш ва ногиронликнинг аксарият қисмини олдини олиш мумкин эди, агар профилактика, даволаш ва парваришлаш учун мавжуд билим ва технологияларни қўллашга қаратилган ресурслар етарли даражада тақсимланганида ва сиёсий ирода бўлганида”.⁸

7 - тавсия:

Бунда, биз Ўзбекистонга қуйидагиларни тавсия қиламиз:

Ҳар бир боланинг, шу жумладан озодликдан маҳрум қилиш жойларида туғилганларнинг, улар туғилган пайтдан бошлаб вояга етгунга қадар, бўлғуси оналарга етарлича пренатал ва туғруқдан кейинги тиббий ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг соғлиғига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш орқали болалар ўлимини камайтириш бўйича тегишли чораларни кўриш; янги туғилган чақалоқларга етарли ва адекват даражада ғамхўрлик қилиш ва боланинг жисмоний, ҳиссий ва ижтимоий фаровонлиги билан боғлиқ ҳолда ўсиши учун муносиб шароитларни таъминлаш.

Ҳар бир ҳомиладор аёлнинг ҳомиладорлик даврида тегишли тиббий ёрдам олиш ва қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эга бўлишини таъминлаш.

31-модда. Дам олиш ҳуқуқи

Ҳар бир боланинг ҳаётида ўйин ва дам олишнинг аҳамияти халқаро ҳамжамият томонидан азалдан эътироф этилган. Конвенциянинг 31-моддасида “Иштирокчи-давлатлар боланинг дам олиш ва бўш вақтини ўтказиш, боланинг ёшига мос ўйин ва кўнгилочар тадбирлар билан шуғулланиш, маданий ҳаёт ва санъатда эркин иштирок этиш ҳуқуқини тан оладилар” деб аниқ таъкидланган. Қўмита томонидан эътироф этилганидек, “ўйин ва дам олиш болалар саломатлиги ва фаровонлиги учун зарурдир [...]ўрганишнинг барча жиҳатларига ҳисса қўшади [...] [ва] мия ривожланишида муҳим рол ўйнайди”⁹.

⁸ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси (CRC), боланинг эришилиши мумкин бўлган энг юқори соғлиқ стандартидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги № 15 (2013 йил) умумий изоҳи (24-модда), 2013 йил 17 апрел, CRC/C/GC/15 <https://www.refworld.org/docid/51ef9e134.html> сайтида мавжуд.

⁹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси (CRC), боланинг дам олиш, бўш вақтини ўтказиш, ўйин, кўнгилочар тадбирлар, маданий ҳаёт ва санъат ҳуқуқига оид № 17 (2013 йил) умумий шарҳи (31-модда), 2013 йил 17 апрел, CRC/C/GC/17, <https://www.refworld.org/docid/51ef9bcc4.html> да мавжуд.

8 - тавсия:

Бу борада Ўзбекистонга қуйидагиларни тавсия қиламиз:

Ўйин учун етарли, адекват ва қулай шароитлар мавжудлигини таъминлаш орқали қамоқдаги болаларнинг бўш вақтини ўтказиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш.

37-модда. Қадр-қимматга бўлган ҳуқуқ

Пактнинг 37-моддасида шундай дейилади: “(с) Озодликдан маҳрум этилган ҳар бир болага инсонпарварлик ва инсоннинг ажралмас қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва унинг ёшидаги шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда муносабатда бўлиш керак. Озодликдан маҳрум этилган ҳар бир бола, агар боланинг манфаати учун бундай қилиш зарур деб ҳисобланмаса, катталардан ажратилиши керак эмас ва ҳар бир бола ўз оиласи билан ёзишмалар ва ташрифлар орқали алоқада бўлиш ҳуқуқига эга, истисно ҳолатлар бундан мустасно”. Ушбу модда дастлаб “қонун билан муаммолари бор бўлган” болаларга қаратилган бўлса-да, бундай қоидалар қамоқда туғилган болаларга ҳам тегишли. Бундан ташқари, Бангкок қоидаларида таъкидланганидек “Қамоқхона ходимлари болалар ва оналарни ҳамда маҳбусларни зиёрат қилишга келган болаларни тинтув қилишда малака, профессионаллик ва сезгирликни намоён этиши ҳамда ҳурмат ва қадр-қимматни сақлаши шарт”¹⁰.

9 - тавсия:

Бунда, биз Ўзбекистонга қуйидагиларни тавсия қиламиз:

Қамоқхонада туғилган болалар ва уларнинг оналарининг қадр-қиммати қамоқда сақланаётган даврда қамоқхона ходимлари томонидан ҳурмат қилинишини таъминлаш.

Қамоқдаги оналарнинг ҳуқуқлари

Бангкок тамойилларига асосланиб, хусусан, 42.2, 43.2 ва 48.1 қоидалари

10 - тавсия:

Ўзбекистонга қуйидагиларни тавсия қиламиз:

Қамоқхона режими ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар ва болали аёлларнинг эҳтиёжларини қондириш учун етарлича мослашувчан бўлишини таъминлаш; ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар ва қамоқдаги болалари бор аёллар учун тегишли дастурларни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш;

Ҳомиладор ва эмизикли аёлларнинг соғлиғи ва овқатланиши бўйича малакали шифокор томонидан бепул маслаҳат олишларини ҳамда етарли даражада озуқавий моддаларга бой озиқ-овқат, соғлом муҳит ва

¹⁰ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳкум аёлларга нисбатан муомала қоидалари ва жиноятчи аёлларга нисбатан қамоққа олишдан ташқари чоралар (Бангкок қоидалари), 21-қоида

мунтазам жисмоний машқлар билан шуғулланиш имкониятини таъминлаш;

Қамоқдаги аёлларга бола туғилгандан кейин туғруқ таътилига рухсат бериш;

Қамоқдаги аёлларга бепул юридик ёрдам кўрсатиш.

Озодликдан маҳрум этилган оналар ва уларнинг фарзандлари ўртасида мунтазам ва тўсиқсиз мулоқотни таъминлаш, шу жумладан, болалар уйига ёки бола вақтинча яшаётган оилага бепул қўнғироқ қилиш ҳуқуқини таъминлаш орқали; шунингдек, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан йилига камида тўрт марта бола ва она учрашувларини ўтказиш; болаларни етарли даражада озуқавий моддаларга бой озиқ-овқат билан таъминлаш; машқ қилишда ва қамоқдаги онанинг боласи билан сайр қилишда ҳеч қандай чекловлар йўқлигини таъминлаш.

Жазоларни ижро этиш бош бошқармаси (ГУИН) муассасалари ва болалар уйларида сақланаётган болалар ва озодликдан маҳрум этилган оналарнинг ривожланиши ва тарбияланиши устидан мунтазам назоратни таъминлаш;

Қамоққа олинган аёлларнинг фарзандлари сақланаётган аёллар колонияларининг фаолиятини нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан мунтазам мониторинг қилиш имконини бериш.

Боғланиш учун маълумот:

Инсон ҳуқуқлари учун халқаро ҳамкорлик

Бриджит Дюфур Бриджит (Brigitte Dufour Brigitte) dufour@iphronline.org

Тел рақам: +32-28 80 03 99

Веб саҳифа: www.iphr.org

Марказий Осиёда Инсон ҳуқуқлари ассоциацияси

Надежда Атаева (Ms Nadejda Atayeva) ahrca@ahrca.org

Тел рақам: + 33 6 49 38 86 59; Веб саҳифа: <http://www.ahrca.org/>

“Open Line” Кўнгиллилар гуруҳи

Татьяна Довлатова (Tatiana Dovlatova) tanya56vasilevna@gmail.com

Тел рақам: +998 90 958 32 64

Инсон ҳуқуқлари уйи

Клара Сахарова (Klara Sakharova) klara.sakharova@protonmail.com

Тел рақам: +998 97 736 37 86